

«Трастбанк»нинг Ислом молияси тамойиллари асосида «Trast Muamalat» компанияси ўз фаолиятини бошлади



15:25 / 11.01.2023 3956

Биздан жуда кўпчилик ислом дини талабларига мувофиқ фаолият олиб боровчи тижорат банки ёки ҳеч бўлмаса бирор молия муассасаси борми Ўзбекистонда, деб сўрайди. Биз бундай саволларга, «афсуски, бугунги кунда мамлакатимизда бирорта ҳам бундай банк йўқ», деб жавоб берамиз ва ҳар сафар шундай жавоб берганимизда ичимиздан зил кетамиз. Чунки 36 миллионлик аҳолисининг тахминан 90 фоизи мусулмон бўлган юртда бирорта ҳам Ислом банки йўқ, деб жавоб бериш биз учун оғир ва уятли. Нима учун уятли деганда, Марказий Осиё давлатлари ичида фақат бизда ва Туркменистондагина бирорта Ислом банки йўқ! Нафақат Ислом банки, балки Ислом дарчаси ҳам йўқ. Ваҳоланки, бир нечта тижорат банки сўнгги

икки йилда бу йўналишда бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Хусусий Тармоқни Ривожлантириш Ислом Корпорацияси (ICD) билан Ислом дарчалари очиш юзасидан шартномалар имзоланган, тегишли ходимлар ушбу дарчаларда ишлашга тайёрланган, Ислом дарчаси фаолияти учун биринчи навбатда зарур бўлган дастурий таъминотлар ўрнатилган.

Алҳамдулиллаҳ, амалга оширилган ишлар бесамар кетмади.

2023 йил 10 январь куни, халқимиз анчадан бери кутган қувонарли ҳодиса юз берди. Мамлакатимиздаги йирик хусусий банклардан бири бўлган Трастбанк Ислом молияси тамойилларига мувофиқ фаолият олиб борувчи ўз шўба молия муассасасини ишга туширди. Ушбу молия муассасаси Ислом тараққиёт банки гуруҳига кирувчи Хусусий Тармоқни Ривожлантириш Ислом Корпорациясининг маслаҳат ёрдамани жалб қилган ҳолда ташкил қилинди. Албатта, бу тўлақонли Ислом дарчаси эмас, лекин анъанавий тижорат банки томонидан таъсис этилган мамлакатимиздаги биринчи Ислом молия муассасасидир!

Ташкил этилган «Trast Muamalat» компанияси биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнесни, дунё бўйича Ислом молияси маҳсулот ва хизматлари ичида энг кўп қўлланиладиган муробаҳа ва ижара (ислом лизинги) молия маҳсулотлари орқали молиялаштириши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ушбу марказда аҳолига оддий банк амалиётлари қаторига кирувчи валюта айирбошлаш, тўловлар қилиш, пул ўтказиш каби хизматлар ҳам кўрсатилади.

«Trast Muamalat» масъулияти чекланган жамиятнинг очилиш маросимида Ислом молияси лойиҳаси асосчилари ҳам ташриф буюришди Унда «Трастбанк» ХАБ раҳбарияти, Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси вакили Музаффар Низамиддинов, Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ҳусан Ҳасанов, АРЕХ такофул компаниясининг Ислом суғуртаси бўйича раҳбари Мақсуджон Собиров, Sturgeon Capital вакили Алижон Равшанов ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўйлаймизки, амалга оширилган иш, яъни Ислом молияси тамойилларига мувофиқ фаолият олиб борувчи марказнинг очилиши бошқа тижорат банкларига ҳам ўрнак бўлади ва тез орада бундай марказлар мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият юритишни бошлайди.

Шунингдек, бундай марказларнинг муваффақиятли фаолияти тўлақонли ислом дарчалари ва ислом банклари очилишига туртки беради деб умид қиламиз.

Манба: t.me/islomMoliyasi